

Қуръони карим дарслари (122-дарс) «Тайсир»даги етти қироатнинг санади



13:30 / 02.02.2021 1789

Имом Абу Амр ибн Ало ал-Басрий қироати:

1) Абу Умар ад-Дурий ривояти:

«Бизга уни Абу Ийсо Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Қатн[1] 318 санада хабар берган. Айтганки:

«Бизга Абу Халлод Сулаймон ибн Халлод хабар берган ва айтганки:

«Бизга Язидий Абу Амрдан нақл қилган».

(Абу Амр ад-Доний айтади:) «Мен бу қироат билан Абу Амр[2] тариқасига кўра, шайхимиз Абдулазиз ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бағдодий ал-Муқрийга ўқиб берганман. У менга айтганки:

«Мен бу қироат билан Қуръонни Абу Тоҳир Абдулвоҳид ибн Умар ибн Абу Ҳишом ал-Муқрийга кўп марта, сон-саноқсиз ўқиб берганман. У киши айтганки:

«Мен бу қироат билан Абу Бакр ибн Мужоҳидга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен у билан Абуззаъро Абдурраҳмон ибн Абдусга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Абу Умарга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Язидийга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Абу Амр (ибн Ало)га ўқиб берганман».

2) (Абу Амр ибн Алодан) Солиҳ Абу Шуайб ас-Сусий ривояти:

«Бизга уни Халаф ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Муқрий хабар берган. У айтганки:

«Бизга Абу Муҳаммад Ҳусайн (бир нусхада Ҳасан)[\[3\]](#) ибн Рошиқ ал-Муаддал хабар берган. У айтганки:

«Бизга Абу Шуайб хабар берган.[\[4\]](#) У айтганки:

«Бизга Язидий Абу Амрдан нақл қилган».

(Абу Амр ад-Доний айтади:) «Мен Қуръоннинг ҳаммасини Форис ибн Муҳаммад ал-Муқрийга ушбу қироат билан мислайн ва мутақорибайнларнинг биринчисини изҳор ва идғом қилиб ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен худди шундай қилиб, Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ал-Муқрийга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен худди шундай қилиб, Абу Имрон Мусо ибн Жарир ан-Наҳвийга ўқиб берганман. У айтганки:

«Мен Абу Шуайбга ўқиб берганман. У айтганки:

Язидийга ўқиб берганман. У эса «Абу Амрга ўқиб берганман», деган».

Ҳофиз Абу Амр ад-Доний айтади:

«Бизга усули идғомни Муҳаммад ибн Аҳмад Ибн Мужоҳиддан, у Абдуррахмон ибн Абдусдан, у Абу Умар ад-Дурийдан, у Язидийдан, у Абу Амр(ибн Ало)дан нақл қилган. Шунингдек, бу (қироат) ҳақида бизга шайхимиз Абулҳасан хабар берган. У айтганки:

«Абдуллоҳ ибн Муборак Жаъфар ибн Сулаймондан, у Абу Шуайбдан, у Язидийдан, у Амрдан[\[5\]](#) ривоят қилган».

Бу учинчи тўлин ой Абу Амр ибн Ало ал-Басрий ал-Мозиний бўлиб, Бану Мозиндандир. Асли Казриндан.[\[6\]](#) Буғдойранг, бўйдор, насаби тоза, аслзода

эди. Исми ҳақида ихтилоф қилинган. Баъзилар исми куняси бўлган, деса, баъзилар Забон бўлган, дейди, яна баъзилар бошқача айтган. Ҳижоз ва Ироқдаги тобеъинлардан бир жамоасида ўқиган. Жумладан, Ибн Касир, Мужоҳид Саъид ибн Жубайрда, улар Ибн Аббосда, у киши Убай ибн Каъбада, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламда ўқиганлар.

«Қуръон илмлари» китобидан

[1] Аслида Аҳмад ибн Қатн.

[2] Аслида Абу Умар –(ад-Дурий).

[3] Тўғриси ҳам Ҳасан.

[4] Аслида Абу Муҳаммад Ҳусайн билан Абу Шуайбнинг ўртасида Абу Абдурраҳмон Аҳмад ибн Шуайб ан-Насайи ҳам бор.

[5] Яъни Абу Амр. «Абу» сўзи тушиб қолган.

[6] У Форс ўлкасига тегишли жойбўлиб, мўътабар манбаларда, жумладан, Имом Жазарийнинг «Ғоятун-ниҳая фии тобақотил-қурро» асарида «Казрун» дейилган.